

ИНТЕРНАУКА

СЕРТИФИКАТ


О ПУБЛИКАЦИИ

Настоящий сертификат подтверждает
публикацию статьи в научном журнале
«Интернаука» №48(82)

**Шеркузиева Гузал Фахритдиновна,
Садуллаева Хосият Абдурахмановна,
Тошбоев Ботирали Юнусович,
Овулов Элдор Азимович,
Мухаммадиев Сардор Анварович**

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ РИВОЖЛANIШИДАГИ ОМИЛЛАР

Исполнительный директор
Издательство «Интернаука»



Е.Ю. Бутакова



26.12.2018
Москва


ISSN: 2542-0348

ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

ЧАСТЬ 2

48(82)



interknika.org

г. Москва

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ОМИЛЛАР

Шеркузиева Гузал Фахретдиновна

*Тошкент тиббиёт академияси доценти т.ф.н.,
Ўзбекистон, Тошкент*

Садуллаева Хосият Абдурахмановна

*Тошкент тиббиёт академияси доценти т.ф.н.,
Ўзбекистон, Тошкент*

Тошибоев Ботирали Юнусович

*Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчisi,
Ўзбекистон, Тошкент*

Овулов Элдор Азимович

*Тошкент тиббиёт академияси 2-курс магистри,
Ўзбекистон, Тошкент*

Мухаммадиев Сардор Анварович

*Тошкент тиббиёт академияси 2-курс магистри,
Ўзбекистон, Тошкент*

Вирусли гепатит А – ўткир юкумли касаллик бўлиб, касалликни вируслар келтириб чикаради, касаллик, асосан, жигар тўқималарини шикастлади. [3, б. 141]. Касаллик иситма чикиши, терида, шиллик қаватларда сарилик белгилари пайдо бўлиши, конда трансаминаза ферментлари, билирубин, сийдикда уробилин микдорининг ошиши, ахлатнинг ранги оқариши каби белгилар билан характерланади. Баъзида касалликнинг белгисиз, сариликсиз, енгил шакллари ҳам кузатилади [3, б. 142]. Вирусли гепатит А вируси биологик ва эпидемиологик хусусиятлари жиҳатдан энтеровирусларга ўхшаш, шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 80 – йиллари, микроорганизмларга ном кўйиш ҳалқаро кўмитаси ушбу вирусни энтеровируснинг 72 - тури деб белгилаган. Кейинчалик бу вирусни вирусларнинг алоҳида авлоди, яъни Hepatovirus деб атай бошлаган. Гепатит А вируслари ташки муҳит омиллари таъсирига жуда чидамли, куритилганда, ҳаво ҳарорати юқори бўлганда ҳам анча узоқ сакланади, дезинфекцияловчи, хлор сақловчи моддаларга ҳам чидамли, қайнатилганда 1 - 2 дақиқадан кейин нобуд бўлади [3, б. 148]. Ушбу вируснинг чидамлилик хусусияти касалликнинг эпидемиологиясида катта аҳамиятга эга. Касалликнинг яширин даври 15 – 20 кундан 50 кунгача давом этиши мумкин. Баъзи олимлар ўтказган тажрибаларда яширин даврининг охирги 10 - 14-кунлари беморлар ахлати билан вирусларнинг ажралиши мумкинligини исботлашган. Ахлатдаги вируслар сони зудлик билан кўпаяди, яширин даврининг охирлари вируслар сони энг юқори даражага етади ва бу даражага проромал даврда ҳам сакланади, беморларда сарилик белгилари пайдо бўлганда, уларнинг ахлатидаги вируслар сони кескин камая боради, сарилик даврининг дастлабки 2 – 4 кунлари беморларнинг атрофдагиларга касалликни юқтириш ҳавфи деярли бўлмайди, чунки бемор организмидаги вируслар деярли ташки

муҳитга ажралиб бўлган бўлади. Касаллик белгилари пайдо бўлишининг дастлабки кунлариданок, беморлар қонида IgM – антителоларни аниқлаш мумкин, чунки вирус билан бемор организмининг тўқнашуви касалликнинг яширин даврига тўғри келади [2, б. 12]. Касаллик бошланган давридаёқ бемор қонида IgG – антителоларни ҳам аниқлаш мумкин, бу антителолар бемор қонида узоқ сакланади ва ушбу беморни қайта касалланишдан ҳимоя киласди.

Вирусли гепатит А касаллигига инфекция манбаи сифатида бемор болаларга нисбатан катта ёшдаги беморларнинг аҳамияти кўпроқ [1, б. 28]. Асосий юкиш механизми фекал – орал механизми ҳисобланади, вируслар сув ва озиқ – овқат маҳсулотлари билан соғлом одамнинг оғзи орқали юқади. Ўтказилган эпидемиологик текширув ва тадкиқотлар вирусли гепатит А касаллигининг майший – мулокот йўли билан ҳам юкишини исботлаган [1, б. 29]. Кўптина олимлар гепатит А вируснинг, қон орқали, қон қуйища ва қон маҳсулотлари билан мулокот даврида парентерал йўл билан юқмаслигини тажрибаларда исботлашган, ушбу вируснинг парентерал йўл билан юқмаслиги клиник, вирусологик, эпидемиологик тажрибаларда исботланган. Баъзи бир олимлар гепатит А вирусини ҳаво – томчи йўли билан юқиши мумкин, деб гумон килишади, чунки касалликнинг дастлабки белгилари юқори нафас йўллари функциясининг бузилиш белгилари, тумов белгилари билан бошланishi, баъзида касалланишга кишки мавсумийлик хос бўлганлиги бу гумонга асос бўлади. Вирусли гепатит А касаллигига аҳолининг мойиллиги анча юқори. Аммо соғлом одам организмига тушадиган вируслар сонинг камлиги сабабли бўлса керак, касалликнинг енгил, сариликсиз, белгисиз шакллари кўпроқ учрайди. Ундан ташқари, одамлар организмининг кам сонли вируслар билан бир неча марта учрашуви туфайли касалликнинг белгисиз, енгил шакллари ҳам ривожлана олмасдан,

одамлар организмida ушбу вирусга нисбатан антителолар пайдо бўлиши натижасида уларнинг мойиллиги камая боради, деб ўйлаш ҳам ўринли [1, б. 12].

Одамлар гепатит А вирусини, асосан, ёз мавсумида юқтиради, касаллик яширин даврининг узоқлиги туфайли вирусли гепатит А билан касалланиш кўрсаткичининг энг юкори чўккиси сентябрь – октябрь ойларига тўғри келади. Эпидемик жараённинг ривожланиши баъзида декабрь – январь ойларигача ҳам чўзилиши мумкин. Ҳозирги пайтда вирусли гепатит А билан касалланганлар орасида ёш болаларга нисбатан катта ёшдагиларнинг улуши бирмунча кўпроқ, чунки ахоли популяциясида катта ёшдаги кишилар сони ёш болаларга нисбатан анча кўп [3, б. 151].

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда биз ушбу касалликнинг эпидемиологиясида вирус ташувчиларнинг ролини таҳлил қилдик ва куйидаги натижаларни олдик: биз асосан вирус ташувчиларнинг ойлар динамикасида аникланган сонини таҳлил қилдик. 2016 йилдан аникланган умумий вирус ташувчилар сони-247 тани ташкил этди. Улардан энг күп аникланганлар июн ойида-41,

августда-27та, сентябрда-28та тўғри келди, энг кам аникланган ойлар эса қуйидагилар; октябр ойида - 4 та, ноябрда эса -2та вирус ташувчилар аникланди. Шу билан бирга хавфли омилларга аҳолининг сифатсиз ичимлик суви билан таъминланиши, озиқ - овқат ва уларга тенглаштирилган корхоналар ишчиларнинг санитария - гигиена қоидаларига амал килмаслиги киради. Касалликда асосий юқтириш омили сув бўлгандиги туфайли чора - тадбирлар ичida аҳолининг сув таъминотига эътибор каратилиши катта аҳамиятга эга. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ушбу касалликнинг ўткир ва сурункали эпидемик авж олишлари аҳолини кафолатланган, сифатли сув билан таъминлаш натижасида амалга ошган. Бунда аҳолига берилётган сувнинг сифати Давлат Стандарти 950-2011 “Ичимлик суви” талабларига жавоб бериши керак [4, б. 4], ҳамда ахоли ўртасида тиббий маданиятни ўстиришга каратилган чора тадбирлар ўtkазиш максаддага муофик ҳисобланади. Юқоридагилардан шуни холоса килиш мумкин вирусли гепатит А ни келиб чиқишида сув омили ва вирус ташувчиларнинг, ҳамда аҳолининг тиббий маданияти катта аҳамиятга эга [1, б. 56].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2012 йил 5 январдаги № 5 “Республикада вирусли гепатилар билан курашишни такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар” карори.
2. 2016-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида гемоконтакт инфекцияларнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар мажмууси 2015 йил 29 октябр.
3. “Эпидемиология” дарслик О.М.Миртазаев ва бошқалар Тошкент 2014 йил.
4. Давлат стандарти 950-2011 “Ичимлик суви”.